



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 26 апрель, №89 (3201)

Шанба

Иккинчи чақируқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

25 апрель куни Тошкентда иккинчи чақируқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишینی давом эттирди.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Парламент сессиясининг иккинчи куни "Банк сирни тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан бошланди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов тақдим қилди.

Мазкур ҳужжат муҳокамаида Тошкент молия институти ректори М.Шарифхўжаев, парламентнинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари С.Солиев, Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини кафолатлаш фонди директори У.Нигматов, Қўрғонтепа туманидаги "Оқсув" фермер хўжалиги раҳбари А.Аҳмедов, Мингбулоқ тумани ҳокими Б.Ҳайдаров қатнашди. Парламент Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва умумхалқ муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари И.Жураевнинг маърузаси бўйича депутатлар "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Бу ҳужжат ҳақида Бобур номидаги халқаро жағмага раиси З.Машрабов, Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари О.Мусурмонова, "Шаҳрисабз консерва" ишлаб чиқариш акционерлик жамияти раиси Н.Исмоилов, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М.Собиров, Амуларё тумани ҳокими Р.Йўлдошев ўз фикрларини билдирди.

"Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси муҳокамаида чоғида давлатимиз раҳбари Ислоом Каримов Афғонистондаги Алишер Навоий ва ўзбек халқининг бошқа буюк арбоблари қабрлари аҳоли масаласини кўтарди. Албатта, бу масалани, энг аввало, Афғонистоннинг ҳозирги ҳукумати билан музокара олиб бориш орқали ҳал қилиш керак, ammo жамоат фондлари ҳам четда турмаслиги даркор. Биз ушбу масала юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантиришимиз, уни кўриб чиқиш ташаббуси куйишдан, аҳолининг кенг қатламларидан чиқишига эришимиз зарур. Сессия қатнашчилари давлатимиз раҳбарининг тақлифини кизгин қўллаб-қувватлади.

Парламент Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва умумхалқ муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

"Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини депутатларга Олий Мажлисининг Мулоқоат ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов тақдим этди.

Қонун лойиҳаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов сўзга чиқди. Президент ҳарбий хизматни тартибга солишдан янги қонунчилик миллий армия ва мамлакат мулоқоат қудратини янада мустаҳкамлашда улкан аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Биз шундай ҳуқуқий

шароит яратишга ҳаракат қилишимиз, то ёшларимиз армияда хизмат қилишга астойдил интилсин, бунинг учун катта шараф деб билсин. Бунинг учун мамлакатимизда кейинги пайтда кўп иш қилинди. Бугун армия ва унинг резервида хизмат қилиш тўғрисидаги янги қонунларни барча фуқароларга етказиш, аҳоли ўртасида мазкур соҳада бўлаётган жиддий ўзгаришларни кенг тушунтириш муҳимдир.

Ушбу масала бўйича "Андижоннома" ва "Андижанская правда" газеталари бош муҳаррири Н.Сандов, Қумқўрғон тумани ҳокими Н.Чориев ҳам ўз фикрларини билдирди. Олий Мажлис "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги Қонунни ва уни амалга жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоиловнинг маърузаси бўйича сессия "Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида"ги Қонунни ва уни амалга жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафарова парламент қўмиталари ва комиссиялари номидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини сессияда кўриб чиқиш учун тақдим этди. Депутатлар ушбу ҳужжатни қабул қилди.

Олий Мажлис айрим халқаро шартномаларни ратификация қилди. Қашқадарё вилоятининг Баҳористон ва Усмун Юсупов туманларини бириктириш тўғрисида қарор қабул қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорларини тасдиқлади.

Парламент иккинчи чақируқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси Котибати раҳбари Р.Холмуродовнинг фуқароларнинг сессия давомида келиб тушган мурожаатлари ҳақидаги ахборотини тинглади.

Парламент Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2002 йилдаги фаолияти тўғрисида С.Рашидова ҳисоботини тинглади ва маъқуллади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2002 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни сессия Олий Мажлис Раиси Э.Халилов тақдим этди. Депутатлар ушбу ҳужжатни маъқуллади ва тегишли қарорлар қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислоом Каримовнинг тақлифига биноан, депутатлар Ф.Муҳитдиновани Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси этиб сайлади ва уни Олий Мажлис раиси ўринбосари лавозимидан озод этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ф.Муҳитдиновани тақлифига мувофиқ, Олий суд таркибига ўзгаришлар киритди. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Б.Мирбобоевни янги муддатга сайлади.

Шунингдек, сессия Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари Н.Аҳмадновни янги муддатга сайлади ва Олий ҳўжалик суди таркибига бошқа ўзгаришлар киритди.

Иккинчи чақируқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишینی якунлади.



«Кейс»лар Ғалла ўримида шай!

«Бағдод тумани машина-трактор парки» акциядорлик жамиятининг жамоаси мавжуд «Кейс» русумли машиналарни бу йилги ғалла ўрими-ўйғими мавсумига пухта тайёраб қўйди. Ана шу юмушда, айниқса, оператор Нурмухаммад Рўзиматов ҳамкасбларига уриак кўрсатди. Бултур у 760 гектар майдондаги ғаллани ўриб-ячиб берган эди. Бу йил эса 800 гектар ердаги ҳосилни саранжомлаб бермоқчи.

СУРАТДА: Нурмухаммад Рўзиматов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЭНГ ОЛИЙ МАНҒРААТ сессия залидаги ўйлар

Сайловчиларнинг ишончига сазовор бўлган халқ вакилларининг парламентчилик фаолиятидаги муҳим вазифаларидан бири Давлат бюджетини қабул қилиш ва фурсат келганда унинг ижросини тасдиқлашдир. Олий Мажлис XI сессиясида кўриб чиқилган масалалардан бири 2002 йил Давлат бюджетининг ижросига бағишланди.

Авалло, шунинг айтиш кераки, депутатлар бу масала билан сессияга кенгрок табиғий ишончига эга бўлишди. Утган йил бюджетнинг ҳисоботи Олий Мажлис қўмитаси ва комиссиялари, депутатларнинг парламентдаги фракцияларида, блокларда, Олий Мажлис Кенгашида кўриб чиқилди.

Депутатларни 2002 йил арафасида қабул қилган ҳужжатлари — Давлат бюджети ҳаёти қанчалик изчил татбиқ этилганлиги қизиқтирди. Даромадлар нимадир ҳисобига яратилди, харажатлар қайси соҳаларга сарфланди? Парламент ҳузурида молия вазири М. Нурмурадов ахборот берганида Давлат бюджети ижроси тўғрисида тулиқ манзара ифода топди, десак муболага бўлмаसा керак.

2002 йил Давлат бюджетининг ижроси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва ҳукумати белгилб берган мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, илдоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни эркинлаштириш борасидаги ус-

тувор йўналишларни ҳаётга татибиқ этиш асосида амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунларига бағишланган мажлисида айтиб ўтилганидек, утган йили мамлакатимизда чуқур иқтисодий илдоҳотлар амалга оширилди. Макроиктисодий вазият янада барқарорлашди. Инфляция сурьатлари сезиларли даражада пасайди. Иқтисодийнинг реал секторига таркибий ўзгаришлар давом эттирилди ва уларнинг натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми 4,2 фоизга, саноат маҳсулоти ҳажми 8,5 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши 6,1 фоизга ўсганига эришилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ: Фарруха Фахриддиновна Муҳитдинова Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси этиб сайлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 25 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Ф.Ф.Муҳитдиновани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари вазифасидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ: Фарруха Фахриддиновна Муҳитдинова бошқа ишга ўтганини муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 25 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосарини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ: Бахтиёр Шамсутдинович Мирбобоев Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 25 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ: Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:

Холмўмин Буварбобоевич Ёлғоров
Новруз Сармасович Нармурадов
Хаёт Бахриддинович Холмирзаев

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 25 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ: Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:

Нурмат Рўстамович Аҳмадов Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари этиб;
Ақбар Абдуллаевич Нарзуллаев Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьяси этиб сайлансин.

2. К. О. Синдаров бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьяси вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 25 апрель.

Бир неча кундирки, Навоийдаги марказий университетнинг кадами узилмапти. Баҳорги, ёзи мавсумий ярмарка савдоси кўпчиликка маъқул бўлди.

Харидорларга қулайлик

"Ўзбекнефтсаноат" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзбекчармпоийабзали" уюшмаси, "Маҳаллий саноат" акциядорлик жамияти, "Ўзбек ипаги" уюшмаси негиздаги корхоналарнинг турли-туман маҳсулотлари ўз харидорларини топмоқда. Айниқса, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Буҳоротекстиль», «Намангантекстиль», Тошкентдаги «Юлдуз», «Тонг», Фарғона суғий чарм заводи, «Хива гилами», «Қорасув пойис», «Велан» ҳиссадорлик жамиятлари ва қўшма корхоналарнинг чиройли, шишик, арзон кийим-кечак, пойабзал, рўзгор буюмлари кўпчилик эътиборини тортди.

Абдувахоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ғайриоддий зотилжам:

ХАТАР ВА ОҒОҲЛИК

Оғир ўткир респираторли синдром (ОУРС) еки ғайриоддий зотилжам вирусини дунёга тарқатилган давом этмоқда. Шу кунгача у жаҳоннинг 25 та давлатида қайт қилинди ва яна бир неча давлатга ғайриоддий зотилжам билан касалланганликда тумон қилинаётган беморлар шифохоналарга келтирилган. Вирус, айниқса, Хитой, Гонконг, Канада ва Сингапур давлатларида кенг тарқалмоқда. Айни пайтда касаллик илк бор қайт этилган Хитойда ғайриоддий зотилжамдан азият қаҳратанларининг сони 2300 нафардан ошиб кетди, улардан 110 нафардан зиёди оламдан кўз юмди. Гонконгда эса вирус топилган 1460 нафардан зиёд бемор қайт этилган бўлиб, уларнинг 105 нафари вафот этди. Канадада ҳам ахвол кундан-кунга оғирлашиб бормоқда. Жануби-Шарқий Осеёдан анча узоқ бўлишига қарамай, ушбу давлатда ҳам касалланганлар сони бутунги кунда 330 нафарни ташкил этмоқда, 16 киши ҳаётдан кўз юмди.

Ҳуш, жаҳон аҳлини ташвишга солаётган ғайриоддий касаллик аломатлари нимадир?

Тана ҳароратининг 38 даражадан юқорилиги, бош оғриги, томоч аниши, қуруқ йўтал, мадорсизлик, ҳужайралар оғриғи ва сояқотин унинг аломатлари ҳисобланади. Айрим вақтларда ич кетини ва кўнгил айниши кузатилиши мумкин. Айтиб ўтилган аломатлар беморнинг аҳоли вақтинча йиқилиши, тана даражаси меъёрга келганида ҳам кузатилади. Агар касаллик ривожланиб бора, тана ҳарорати яна кўтарилади. Бемор ҳаво танқислигини сеза бошлайди, нафас олиш қийинлашади. Касалланган киши оёяишталанигини йўқотади, юрак уртиқ ва кўкрак қафасининг сиқилганганда шикоят қила бошлайди. Шу даврда, асосан, ўпка шикастланади ва унинг шамоллаши (зотилжам) ривожлана бошлайди. Касалликнинг ёпиқ (инкубацион) даври 3-10 кун-

гача давом этиши мумкин. Инфекция ҳаво ва сулак томчилари орқали юқали.

Шифокор-олимлар бу касалликнинг инкубация даври эканини таъкидлашмоқда. Бунинг устига, ҳалигача ғайриоддий зотилжамга алоқадорлиги йўқ эпидемиялар бўйича дунёнинг етакчи мутахассисларидан бири — доктор Патрик Диксон ғайриоддий зотилжам СПИДдан ҳам хавфли эканини таъкидлади. Унинг айтишича, касаллик ҳаво орқали юқали. Шунинг учун ҳам, у жуда тез тарқалади. Унинг таъминига қўра, агар вирус тарқалиши анча шундай тезликка давом этса, 60 ҳафта ичида бутун дунё бўйича 1 миллиард киши касалланиши мумкин.

«Нотаниш» вирус

Эпидемиялар бўйича дунёнинг етакчи мутахассисларидан бири — доктор Патрик Диксон ғайриоддий зотилжам СПИДдан ҳам хавфли эканини таъкидлади. Унинг айтишича, касаллик ҳаво орқали юқали. Шунинг учун ҳам, у жуда тез тарқалади. Унинг таъминига қўра, агар вирус тарқалиши анча шундай тезликка давом этса, 60 ҳафта ичида бутун дунё бўйича 1 миллиард киши касалланиши мумкин.

Шу муносабат билан дунё мамлакатлари касалликнинг олдини олиш ва фуқароларнинг соғлигини сақлаш борасида фавақулда қарорлар кўрмоқда. Хусусан, Хитой пойтахти Пекинда 280 та мактаб ва бошқа ўқув даргоҳлари

ёпили. Сингапур ҳукумати эса ғайриоддий зотилжам туфайли карантин эълон қилди, уни бузганларга қамоқ жаоси берилиши ҳақида огоҳлантирди. Исроил, Хитой, Гонконг ва Вьетнам каби давлатлардан келган кишиларни мамлакатга киришини тақиқлаб қўйди.

Шундай бўлишига қарамай, вирус қайт этилган мамлакатлар сони кўпайиб бормоқда. Сўнги хабарларга қўра, Болгарияда ҳам ушбу касалликка чалинган бемор аниқланган.

Дунё олимлари ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари касаллик тарқалишини тўхтатиш ва унга шифо излашдаги сай-ҳаражатларини давом эттиришмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ушбу масала бўйича шу йилнинг июнь ойида Швейцарияда шифокор-олимлар халқаро учрашувини ташкил қилишни режалаштирди. 29 апрель куни Бангкокда бўлиб ўтган АСЕАН ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида ҳам шу масала кун тартибидан жой олган. Чунки Жануби-Шарқий Осеё ғайриоддий зотилжам туфайли фуқароларнинг соғлигини сақлаш муаммоси турли-туманлиги билан биргаликда катта иқтисодий зарар ҳам кўрмоқда.

Салим ДОНИЕРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«Оқтошмева» — янги корхона

Нарпай туманидаги қайта ишлаш корхоналари сони яна биттага кўпайди. Оқтош шаҳрида «Оқтошмева» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Уни жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар тулиқ Италиядан келтирилди.

А.САТТОРОВ.

Алло, Сизни Олий ҳўжалик суди раиси эшитмади!

Ҳурматли газетхонлар!

- Сизни ҳўжалик судларига мурожаат этишининг процессуал тартиби қизиқтирадимиз?
- Кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер ҳўжаликларининг суд-ҳўқуқий ҳимояси қандай амалга ошириши биласизми?
- Хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўз ҳақ-ҳўқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши сўраб, ҳўжалик судларига мурожаат қилишда қандай имтиёزلарга эгаликдан бохабармиз?
- Иқтисодий соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун бўлишларининг олдини олиш мақсадида ҳўжалик судлари томонидан қандай ишлар амалга оширилиши, ҳўжалик юртуви субъектларининг иқтисодий ючорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши бўйича ҳўжалик судлари олдига турган вазифалар нимадир иборатлиги ҳақида маълумотга эгамиз?

Хуллас, шу ва шу каби саволларга аниқ жавоб олмақчи бўлсангиз шу йил 30 апрель куни соат 10.00 дан 12.00 гача Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси Мирзоулдубек АБДУСАЛОМОВ билан бўладиган бевосита мулоқотга тақлиф этишимиз. Сиз ушбу кун Олий ҳўжалик суди раиси билан 173-43-23, 77-14-16 телефонлари орқали тўридан-тўри гаплашиш имконига эга бўласиз. Агар саволларини олдиндан бермоқчи бўлсангиз 136-07-94, 133-57-98 телефонлари ёки (8-371) 173-91-56, 136-37-85 факслари орқали мурожаат этишингиз мумкин. Интернетдаги манзилимиз: E-mail: xalksuzi@uzpak.uz.

Хотира ва Қадрлаш куни олдида



БИЛИМГА АСОСЛАНГАН ИҚТИСОДИЁТ САРМОЯСИ

Мана, ўттиз уч йилдирки, жаҳон ҳамжамияти 26 апрелда Халқаро интеллектуал мулк кунини нишонламоқда. 1970 йилнинг айнан шу кунинда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти — БИМТни таъсис этган Конвенция кучга кирган бўлиб, у бутун жаҳонда интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Бугунги кунда жаҳоннинг 179 та давлати, жумладан, Ўзбекистон ҳам БИМТнинг аъзоси ҳисобланади. Бу йил Халқаро интеллектуал мулк кунини "Интеллектуал мулкни ўз иштиниз қилиб олинг" шiori остида ўтмоқда. Ушбу шior интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни ҳурмат қилиш нафақат ихтирочилар ва янгилик яратувчиларга, балки унинг бутун жамиятга фойда келтиришининг тан олиншидир.

Миллий патент тизимига тамаил тоши қўйилган 1992 йилдаёқ мамлакатимиз раҳбарияти келажакда давлатнинг иқтисодий ҳолати инновация ва тадбиркорлик фаолиятининг ҳолатига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини эътироф этган ҳолда бу масалага катта эътибор қаратди. Интеллектуал мулк объектларининг давлат томонидан муҳофазаланиши таъминловчи конституцион мустақамлаб қўйилди ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз ривожини топди.

Интеллектуал мулкнинг кешиф этилиши, иxtиро, технология ва тижорат сирлари, компьютер дастурлари, дизайн ишланмалари, товар белгилари каби объектлари моддий бойликлардан кам баҳоланмайди, балки айрим ҳолларда улардан анчагина юқори туради. Интеллектуал ресурслар, яъни компаниянинг фонд биржасидан бозор нархи билан унинг товар-моддий бойликларини қиймати орасидаги фарқни баҳолаш учун махсус "гудвил" термини мавжуд бўлиб, у номоддий активлар бўлган фирма белгисини, па-

тентларни, савдо белгиларини, "ноу-хау", лицензиялар ва интеллектуал мулкнинг бошқа турларини баҳолашда қўлланилади. 1997 йилда Америка компанияларининг бозор қиймати 7 триллион долларни ташкил этган. Аммо ушбу қийматнинг учдан икки қисми уларнинг баланс ҳисоботларида кўрсатилмаган, чунки улар кўчмас мулк ёки ускуналар кўринишида эмас, балки номоддий активлар бўлган.

Бугун — Халқаро интеллектуал мулк кунини

тан талабномаларнинг 90 фоизи миллий ялпи маҳсулот (МЯМ) кўрсаткичлари энг юқори бўлган мамлакатлардан берилди. Масалан, АҚШда патент олиш учун топширилган талабномаларнинг сони ҳар йили 5 фоизга ўсиб бормоқда. Айнан интеллектуал мулк ҳозирда мамлакатнинг жаҳонда тутган мақеини белгиламоқда. Умумжаҳон саноат ишлаб чиқаришининг йиллик ўсиши суръатлари 2,5-3 фоиздан ошмагани ҳолда, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар билан савдо қилиш ҳажми йилда 12-14 фоиз ўсмоқда.

Моҳияти жиҳатидан патент — бу янгилик сирининг тўлиқ очиб берилиши ва белгиланган миқдордаги патент боғини тўлиқлиги эъзаига давлат томонидан унинг муаллифига ихтирога бўлган ҳуқуқларини муҳофаза қилиш қаролати берилган шартномадир. Бунда жамият янгилик яратувчиларнинг ҳуқуқларини қонуний равишда қўллашнинг эъзаига уларнинг ижодий маҳсулидан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади. Бу эса инсонларни янада ижодий тақомиллаштиришга бўлган интилушларини рағбатлантиради.

Бозор муносабатларининг ривожлана бориши натижасида қонун ва янгиликлар фойдаланиши билан давлат ихтирочиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўлишига лойиқми, эъзозла-чи? Ота-оналар фарзандлари билан қанчалик фахрланиши, гурурланиши хоҳласалар, фарзандлар ўз ота-оналари билан ўн чандон кўпроқ гурурланиши келадди. Мардикор аёлининг ёхуд тирикчилик гамида оналик бурчини унутган аёлининг боласи-чи?! Уларнинг айби нима?! Мен бу билан уларни камситмоқчи ҳам, айбламоқчи ҳам эмасман. Уларга сабр тиламоқчиман, эркакларга ин-

Полковник руҳи шод этилди

Шаҳрихонликларда ажиб бир одат бор. Улар туман ички ишлар бўлими ташаббуси билан ҳар йили Хотира ва Қадрлаш куни арафасида марҳум милиция полковниги Баҳодиржон Ҳошимов хотирасига бағишлаб анъанавий спорт турнири ўтказилади. Бу йилги беллашувда ёш футболчиларнинг 12 жамоаси иштирок этди. Хотира турнири марҳум ушлов номини эъзозлаш билан бирлик спорт байрамига айланиб кетди.

СУРАТЛАРДА: туман ички ишлар бўлими бошлиғи Равшанбек Турғунов турнирнинг энг яхши ўйинчиси Акмалжон Султоновга соврин топширмоқда; турнирнинг футбол мусобақаси голиби — 33-мактаб-интернат жамоаси.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

«Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг республика финал босқичи Қарши шаҳрида, вилоят мусикали драма театри биносида бўлиб ўтди.

Ғолиблар аниқланди

Икки кун мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 14 та ғолиб жамоаси Узро куч синишти. Ўзбекистон Республикаси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур кўрик-танловга ўқувчи талабалар ғоят катта тайёргарлик кўрганликларини намойиш қилишди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида ҳинд чолғу асбобларлари кўргазмаси очилди.

Узбекистон давлат консерваториясида ҳинд чолғу асбобларлари кўргазмаси очилди. У Ўзбекистон Республикаси Моданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси қoшидоғи Ҳинд модоният маркази, Моданий алоқалар бўйича Ҳиндистон Кенгаши ва Сангит Нoтoк академияси билан ҳамкорликда тaшкил қилинди.

Гуларo АБДУЛЛАЕВА.

Ҳинд мусика чолғулари кўргазмаси

Н. РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Икки кун мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 14 та ғолиб жамоаси Узро куч синишти. Ўзбекистон Республикаси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур кўрик-танловга ўқувчи талабалар ғоят катта тайёргарлик кўрганликларини намойиш қилишди.

Унда бола эдик. Ҳозир ёдимда йўқ, қайсидир матбуот нашрида эри ўлғач эгнига эркаклар либосини кийиб ўзини эркак деб эълон қилган аёл ҳақида ўқигандим.

У пайтлар кишлоқ аёллари у ёқда турсин, шаҳар аёлларининг ҳам шун билан юришини ҳатто тасаввур қилиш қийин эди. Бироқ матбуотда у аёлининг сadoқати, матонати мадҳ этилган мақолалар пайдо бўлди. Ушанда раҳматли Ботирали амаким:

— Астафурullo, аёл эркакликни даъво қилса-я! Уни ҳимоясига оладиган бирор эркак жигари йўқ эканми? — дегандилар.

— Шунда мен газета-журналларда у аёлини ёқлаб мақолалар берилётгани, бутун жамоатчилик унинг иродасига тан бераётгани ҳақида гапирганимда, амакимнинг юзлари тундлашди:

— Болам, бу фахр эмас, исён! Гурурсиз эркакларга қарши исён, — дегандилар. Ёш бўлганимиз учунми, табиийки, ўшанда исён сўзини тушунмагандик.

Иллар ўтди. Нима билан гурурланишу нима билан нафратланиш кераклигини идрок қилгандай бўлди. Университет йўлнамаси билан Гулистон тумани газетасида ишлаганимга тўғри келди. Масъул котиб эмасманми, асосий вақтим босмахонада ўтardi. Вилоят босмахонасида асосан аёллар ишлашар, эркаклар саноқлигина эди. Бироқ сўкинишда унча-мунча эркакни йўлда қолдириб кетадиган аёллар мўл эди. Мен ўшанда ишчи аёлларнинг нима учун беандиша бўлиб кетганига тушунмасдим...

— Яқинда пойтахтимизнинг «Чорсу» бозорига тушдим. Пештоқига «Бир кунлик иш билан таъминлаш меҳнат бўлими» деб ёзилган ва халқ оғзида «Мардикор бозори» деб аталувчи аёлу эркак гажум жойга йўл олдим. Мақсалим аёллар билан бирга етказган зарурат ҳақида билмоқчи, улар билан сўхбатлашмоқчи эдим.

— Опа, ишингиз борми? — аёллар бир зумда атрофимни ўраб олди. — Қандай ишингиз бор, неча кишилик?

— 25-30 ёшлар чамасидаги жувон жавобимни кутмаёқ шериғини чақирди.

— Мархабо, иккаламиз борамиз-а?

— «Мижоз» талашин бошланди. Ҳатто аёллар бир-бирини ҳақоратлаш даражасига етди.

Очиги, тақлиф қилаётганим қандай иш эканлигини билмасларидан туриб уларнинг дошқоқоқлик билан «мижоз» талашинлари мени ажаблантирди.

— Йўқ, менда ҳеч қандай иш йўқ, — дедим совуқонлик билан. — Утган сифар Мухсина деган аёлини ишга ёллагандим. Шу аёлини қилдириб олдим.

— Опа, орамингда Мухсина исми аёл йўқ. Балки сизни алагандим. Нима, бирор ёмон иш қилдингми?

— Йўқ, уша кунни болаларимга деб қизимга қичиб бўлиб қолган бир-иккита қичиларин олгандим. Шошанидан қолдириб кетибди. Шунини олиб кетганим.

Ишонлари баҳона топилганидан ва бу баҳона улар билан сўхбатимизнинг қовуш-

АЁЛ ЗИММАСИГА ТУШГАН ЮК

шига сабаб бўлганидан қувониб кетдим. Улар билан таъминлаш меҳнат бўлимида ишлаганимга тўғри келди. Масъул котиб эмасманми, асосий вақтим босмахонада ўтardi. Вилоят босмахонасида асосан аёллар ишлашар, эркаклар саноқлигина эди. Бироқ сўкинишда унча-мунча эркакни йўлда қолдириб кетадиган аёллар мўл эди. Мен ўшанда ишчи аёлларнинг нима учун беандиша бўлиб кетганига тушунмасдим...

қўриб қолишларидан жуда уялдим, — дейди бувайдалик Олтинга. — Негаки, қишлоқимиздан Тошкентга ўқийдиганлар ҳам, ишлайдиганлар ҳам кўп. Тушунмайдиганлар бузукқа чиқариб юборишларига ҳеч гапмас.

— Йигирма кун деганда саксон минг билан уйга бордим, — дейди кўрсиниб Қизларбас исми қашқадарлик аёл. — Қайнонам ҳам, эрим ҳам хурсандчилик билан қарши олишди. Меннинг қимларингиз эшигини хизмат қилганим эримнинг орини келтиришдан, ўзи рўзгор тебратишга ҳаракат қилишдан умидвор эдим. Афсус. Уч-тўрт кун уйда қолсам, эрим уялмай-нетмай «Қачон Тошкентга кетасан?», дед ҳиққиллай бошлади. Шу тарзда турмуш бўйинтуруғини ўз елкамга осволдим.

— Айтайлик, бировинкига ишга ёлланиб кетмасиз, сизнинг ҳаётингиз учун биронта одам жавоб берадими? Ахир сизлар ёлловчининг мақсадини, қандай одам эканлигини аниқ билмайсиз-ку?

— Борадиган манзилимизни, уша одамнинг машинаси номерини шерикларимизга ташлаб кетамиз. У ёнга худдонинг паноҳига. Емон жой бўлса, албатта, изимизга қайтамиз.

Сўхбат давомида сўхбатдошларим бир неча марта ўзгариб, Бу орада Малика опани кир ювишга олиб кетишди. Олтинга билан Мухаббатхон исми аёл ташкирдан чиққан уйни тозалашга кетди.

Мен Собир Раҳимов тумани меҳнат ва бандлик бўлими етакчи мутахассиси Қокилжон Фозилов билан сўхбатладим.

Бир кунлик иш билан таъминлаш бўлими деворига, ишга тақлиф қилган корхоналарнинг ўртача ойлик маошлари ва имтиёзлари кўрсатилади.

— Опа, қизик гапини айтасиз-а, бировининг чўнтагинида пулни ҳисоблаш яхшимас. Бироқ улар 50-60 минг сўмлик ишга боришмапти-да. У қишлоқимизда бўлса, шу ойликка ишларлик, дейишди. Қуриш ташкилотлари 100 минг сўм ойлик берамиз, ётоқхона билан таъминлаймиз, дейишган. Ҳозиргача биронта ҳам талабгор топилмади.

— Мардикор аёллар ҳақида турлича гап-сўзлар эшитганим.

— Тўғри, беш қўл баравар эмас. Лекин нима бўлганда ҳам, аёлларнинг бу ерга чиқиб кетиши ёқмайман. Ушларнинг эркакман деб кўркакларига уриб юривчи эрларидан хафаман. Эркакларнинг мардикорлик қилишини тушуниш мумкинлар, бироқ хотиннинг мардикор бозорига чиқариб қўйган эркакка гурур борми? Мардикорлар орасида ёш-ёш қизларнинг кўриб ачиниб кетасан дегани. Ахир, эртага улар бир оиланинг бекаси бўлади-ку!

— Емоннинг қўлига тушиб қолмаслигига ким қаролат беради? Ойлаб уйига борматган, болаларининг исинқ-совуғиндан хабар олмай, уларни уза-ларнинг қўлига ташлаб қўйган аёлини қандай аташ мумкин?!

— Дарҳақиқат, уларни ким деб аташ керак?! Уларидан, ўзингиздан кечиб, тирикчилик деб ойлаб уйга борматган аёл-

нинг бу «фиёлийлиги» эртага қимматга тушмайми?

— Яқинда бир аёл билан тасофидан танишиб қолдим. Россияда савдогарлик қилар экан.

— Уч-тўрт ойлаб уйга келишга имкон бўлмасди. Келишим билан ҳар тал ишчи эримнинг қарзларини тўлашдан бошлардим, — дед ҳикоя қилди аёл. — Болаларим яхши яшашлари учун тинмай ҳаракат қилдим. Болаларимнинг келажagini таъминлаш ҳақида ўйлабман-у, уларнинг

— Опа, қизик гапини айтасиз-а, булар яхшигина пул топади. Тўғри, бировининг чўнтагинида пулни ҳисоблаш яхшимас. Бироқ улар 50-60 минг сўмлик ишга боришмапти-да. У қишлоқимизда бўлса, шу ойликка ишларлик, дейишди. Қуриш ташкилотлари 100 минг сўм ойлик берамиз, ётоқхона билан таъминлаймиз, дейишган. Ҳозиргача биронта ҳам талабгор топилмади.

— Мардикор аёллар ҳақида турлича гап-сўзлар эшитганим.

— Тўғри, беш қўл баравар эмас. Лекин нима бўлганда ҳам, аёлларнинг бу ерга чиқиб кетиши ёқмайман. Ушларнинг эркакман деб кўркакларига уриб юривчи эрларидан хафаман. Эркакларнинг мардикорлик қилишини тушуниш мумкинлар, бироқ хотиннинг мардикор бозорига чиқариб қўйган эркакка гурур борми? Мардикорлар орасида ёш-ёш қизларнинг кўриб ачиниб кетасан дегани. Ахир, эртага улар бир оиланинг бекаси бўлади-ку!

— Емоннинг қўлига тушиб қолмаслигига ким қаролат беради? Ойлаб уйига борматган, болаларининг исинқ-совуғиндан хабар олмай, уларни уза-ларнинг қўлига ташлаб қўйган аёлини қандай аташ мумкин?!

— Дарҳақиқат, уларни ким деб аташ керак?! Уларидан, ўзингиздан кечиб, тирикчилик деб ойлаб уйга борматган аёл-

нинг бу «фиёлийлиги» эртага қимматга тушмайми?

— Яқинда бир аёл билан тасофидан танишиб қолдим. Россияда савдогарлик қилар экан.

— Уч-тўрт ойлаб уйга келишга имкон бўлмасди. Келишим билан ҳар тал ишчи эримнинг қарзларини тўлашдан бошлардим, — дед ҳикоя қилди аёл. — Болаларим яхши яшашлари учун тинмай ҳаракат қилдим. Болаларимнинг келажagini таъминлаш ҳақида ўйлабман-у, уларнинг

— Опа, қизик гапини айтасиз-а, булар яхшигина пул топади. Тўғри, бировининг чўнтагинида пулни ҳисоблаш яхшимас. Бироқ улар 50-60 минг сўмлик ишга боришмапти-да. У қишлоқимизда бўлса, шу ойликка ишларлик, дейишди. Қуриш ташкилотлари 100 минг сўм ойлик берамиз, ётоқхона билан таъминлаймиз, дейишган. Ҳозиргача биронта ҳам талабгор топилмади.

— Мардикор аёллар ҳақида турлича гап-сўзлар эшитганим.

— Тўғри, беш қўл баравар эмас. Лекин нима бўлганда ҳам, аёлларнинг бу ерга чиқиб кетиши ёқмайман. Ушларнинг эркакман деб кўркакларига уриб юривчи эрларидан хафаман. Эркакларнинг мардикорлик қилишини тушуниш мумкинлар, бироқ хотиннинг мардикор бозорига чиқариб қўйган эркакка гурур борми? Мардикорлар орасида ёш-ёш қизларнинг кўриб ачиниб кетасан дегани. Ахир, эртага улар бир оиланинг бекаси бўлади-ку!

— Емоннинг қўлига тушиб қолмаслигига ким қаролат беради? Ойлаб уйига борматган, болаларининг исинқ-совуғиндан хабар олмай, уларни уза-ларнинг қўлига ташлаб қўйган аёлини қандай аташ мумкин?!

— Дарҳақиқат, уларни ким деб аташ керак?! Уларидан, ўзингиздан кечиб, тирикчилик деб ойлаб уйга борматган аёл-

нинг бу «фиёлийлиги» эртага қимматга тушмайми?

— Яқинда бир аёл билан тасофидан танишиб қолдим. Россияда савдогарлик қилар экан.

— Уч-тўрт ойлаб уйга келишга имкон бўлмасди. Келишим билан ҳар тал ишчи эримнинг қарзларини тўлашдан бошлардим, — дед ҳикоя қилди аёл. — Болаларим яхши яшашлари учун тинмай ҳаракат қилдим. Болаларимнинг келажagini таъминлаш ҳақида ўйлабман-у, уларнинг

26 апрель — Халқаро интеллектуал мулк кунини

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ ИДОРАСИ

республикаимизнинг барча ихтирочилари, олимлари, конструкторлари, янги техника ишланмалари яратувчиларини, ишбилармон ва ижодий доиралар вакиллари 26 апрель — Халқаро интеллектуал мулк кунини муносабати билан чин юракдан муборакбод этади ҳамда Ватанимиз равақига қаратилган эзгу ишларингизда улкан зафарлар ва ижодий баркамоллик тилайди.

ТАШКИЛОТ авто ва қишлоқ хўжалик шиналарининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланади


- Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган.
- Ҳар хил русумли шиналар.
- Энг арзон нархда Тошкентдаги омборхонадан.

Маҳсулот Тошкент шаҳрида.

Ташкилотларни вилоят дистрибуторлигига тақлиф қиламиз.

Телефон: (998 712) 132-24-71. Факс: 132-24-72, 79-28-75, 79-28-77. E-mail: urald@rol.ru

Мавжуда ХОЛМАТОВА.



Риштон туманидаги Бўжай қишлоғида қишлоқ врачлик пункти иш бошланганга кўп вақт бўлгани йўқ. Бугунги кунда мажмур сўхат маскани 9700 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётган. Айниқса, бу ерда очилган кундузи стационар қишлоқ аҳлига яна бир қулайлик туғдириди.

СУРАТДА: тиш шифокори Адҳамжон Рўзибоев бемор билан суҳбатлашмоқда.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Нусрат Баракаев қай-ноққина чойдан хўлаб, хона бурчагига қўйилган телевизорда машҳур хонанда қўйлаётган қўшиқ оҳангига тебраниб, рақосанинг ҳаракатларидан завқланиб ўтирибди.

— Мумкинми?
— Кириг.

— Ассалому алайкум, Нусрат Баракаевич, — деб сочларини устарада силлиқ қилиб қирдирган, пастак бўйли, семиз гаввали бош ҳисобчи юмалаб келатган тарвуздай бўлиб кириб келди.

— Ваалайкум ассалом, келинг.

— Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасидан яна тўловнома жўнатишди, — деди бош ҳисобчи Шодиев чап қўли билан кўзойнагини тўғрилади, ўнг қўли билан қозғони бошлиққа уза-тиб.

— Нера? — қозғога қараб ҳам қўймай ҳалидан буён кўлида айлантириб ўтирган сиратини оғизга солиди-да, ёндирғич билан туштирди.

— Тозалаш иншооти ишламаётганлиги учун, атроф-муҳитни ифлослантираётганимиз учун...

— Тўловдик, шекилли, — деди бошлиқ сират ту-туни бурқитганча пуфлаб телевизордан кўз узмай...

— Утган чоракда тўлагандик 50 миң сўм. Энди такроран шундай ҳолга йўл қўйганимиз учун 200 миң сўм жарима ёзишди.

Рақс томошасига берилиб

кетган Баракаев бу гапга парво ҳам қилмади.

— Анавини қаранг... Ўйинни қийворди шу қиз. Қаранг, қаранг, қимирламаган ери қолмайди.

Рақс тугаб халқаро аҳвол шарҳи бошланди.

— Хўш, нима деётгандингиз?
— Жарима.

тоқ бўлаяпти. Яна текшир-са, жаримани оширишади. Қурилиш бўйича муовинингизни бир оғохдангириб қўйсангиз.

— Айтдим-ку, у жарималарнинг миллионер корхонанинг чўнгадан тўқилган сарик чақа.

— Бўпти, майли, ҳўжайин.

ўзингиз биласиз. Мановини шахсан сизнинг ўзингизга юборишди.

— Нима экан бу?
— Экологиянинг бузаётган корхона раҳбари сифатида энг кам иш ҳақининг уч баравари микдорда жарима тўларкансиз.

— Вой-бў-ў...
— Ҳа, яна атроф-муҳитни ифлослантириш давом этаявса, жарима энг кам иш ҳақининг уттиз бараварига ортар эмиш.

Баракаевнинг авзойи бузилди, кўзлари пирпираб, ўнг бети уча бошлади. Шарҳловчининг дунёнинг алдақайси бурчидаги нотинчликлар ҳақидаги қўйинишлар ҳам унинг эътиборини торта олмади.

— Мен минг марта айтганман сизларга, бу аҳволга чидаб бўлмайди, деб. Жаримага тўлайдиган маб-

Таъзия тўй эмас-ку?!

Яқинда бадавлат бир хонадонда таъзия бўлди. Кекса ота дунёдан ўтди. Хассакашлар беҳисоб. Мансабдор ўғилнинг хешу акраболаридан ташқари ишхонасидагилардан ҳам бир гуруҳи ҳасса тутган, «отамлаб» йилгаптий ўзича. Ҳўжайин кўринса овозини кўтаради, кетса жим бўлади.

Ҳалда у уч-тўрт оятни бузиб-бузиб тиловат қилгач, катта мулланнинг чап томонидаги саватдор саллали қишга фотиҳа бағишланг, дея имо қилди. Во ажаб! Нима бўлаяпти? Бу овоз ҳам таниш-ку! Ҳаммаша бирини ўнга сотган, ҳаром пуллар тўплаган, сўнг бир аёлга илақиб, унинг эрига мастликда пичоқ санчиб қамалган муттаҳам...

Жаноза баҳонасида бойликларини кўз-кўз қилаётган бу каби бойваччалар шаҳар ва қишлоқларда камми? Бу пулдорларни ким инсофта қақир-қақир керак? Албатта, энг аввало, масжидлардаги имомхатиблар. Аммо улар индама-гач, ислом илмини чуқур билмайдиган, фақат нафсини ўйловчи, уч-тўрт сураани зўра ёдлаб олган чаласовод мулла-ларнинг ошғини олчи бўлмоқда. Таъзия маросимларида дабдабалар кўлайиб, қўл учида кун кечирувчиларга жабр бўлмоқда. Чунки борлар таъзия баҳона мулла-ларга, по-кушўйга, гўрковга катта-катта эҳсонлар беради. Улар эса йўқдан ҳам шуни кутишади. У эса қарз кўтариб маърака

ўтказишга мажбур бўлади, қийналади. Бу азобдан марҳумнинг руҳи нотинчланмай-дими? Катта дабдабалар кўра етим-есирлар, ноҷор оилалар, яққа-ёлғиз қариялар, кам таъминланган кишиларга муруват кўрсатса, улар дуосини олса, балки отаси руҳи минг чандон шод бўлармиди?

Ҳар қандай маросимда меъёр бўлмоғи шарт. Ҳирсу нафс қомига ташланган дона-бини тортиш, саволдор дола-имомлар сафини кенгайтириш, фақат имон-этиқоли мулла-ларнинг таъзия ва бошқа маросимлари ўтказишларига руҳсат этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари худудларида таъзия-ларни ўтказиш комиссиялари тузиш, сайлаб қўйилган оқсоқоллар масъулиятини ошириш, кенг жамоатчилик диққат-эътиборини таъзия-ларни оддий, камчиқим қилиб ўтказишга қаратиш, ҳар бир фуқарога савобу гуноҳ ишлар фарқини мисоллар орқали тушунтириш, иқтисод қилган маблағларни эри сўнгги манзилгоҳ — қабристонларни обод қилишга сарфлаш эзгу амалдир.

Шундай қила оламизми?..

Бахшулло РАЖАБ, Бухоро тумани «Галаосий овози» газетаси муҳаррири.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

бўш (вакант) профессор-ўқитувчи лавозимларига меҳнат шартномаси асосида танлов эълон қилади.

КАФЕДРА МУДИРЛАРИ: тупроқшунослик; ҳуқуқшунослик; селекция ва уруғчилик; жисмоний тарбия; тиллар; чет тиллар; макроиктисодиёт; агробизнес ва менежмент.

Кафедра мудирлигига фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцентлар қатнашишлари мумкин.

ПРОФЕССОР: агрокимё (1).

ДОЦЕНТЛАР: ҳуқуқшунослик (2), фалсафа (6), қишлоқ ҳўжалик биотехнологияси (1), педагогика ва психология (1), селекция ва уруғчилик (1), пахтачилик (2), Ўзбекистон тарихи (2), агробизнес ва менежмент (2), маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш, мева-сабзавотлар селекцияси ва уруғчилиги (1), агроэкология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (1), ахборотлар технологияси ва эконометрия (1), микроиктисодиёт (2).

КАТТА ҲЎҚИТУВЧИЛАР: тупроқшунослик (1), ҳуқуқшунослик (1), фитопатология ва ўсимликлар физиологияси (1), фалсафа (1), қишлоқ ҳўжалик биотехнологияси (1), Ўзбекистон тарихи (1), физика (1), қишлоқ ҳўжалик механизацияси (1), бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ва таҳлил (1), ахборотлар технологияси ва эконометрия (1), микроиктисодиёт (1).

АССИСТЕНТЛАР: тупроқшунослик (1), энтомология ва ўсимликларни уйғунлашган химоя қилиш (1), ҳуқуқшунослик (1), Ўзбекистон тарихи (1), агрокимё (2), ўсимликшунослик (1), фалсафа (2), маҳсулотлар сақлаш, қайта ишлаш, мева-сабзавотлар селекцияси ва уруғчилиги (1), педагогика ва психология (2), агроэкология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (1), хусусий зоотехния (1), ипакчилик ва тутчилик (2), бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ва таҳлил (2), ахборот технологиялари ва эконометрия (2), пахтачилик (1), селекция ва уруғчилик (5), агробизнес ва менежмент (1), макроиктисодиёт (2), олий математика (1), микроиктисодиёт (1), ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси (2), сабзавотчилик (2), мевачилик (2), кимё ва биокимё (1), физика (2).

ҲЎҚИТУВЧИЛАР: чет тиллар (4), тиллар (2), жисмоний тарбия (2).

Танлов учун ҳўжжатлар 2003 йил 30 майгача қабул қилинади.

Ҳўжжатлар қўйидаги манзилга топширилади:

700140, Тошкент ш., Тошкент давлат аграр университети, бош бино, 3-қават, ходимлар бўлими.

Телефон: 63-63-35.

«ЎЗНЕФТАГАЗҚУДУҚТАЪМИРЛАШ» ОАЖ хабари

Хабар тартиб рақами — 09

«Ўзнефtegaзқудуқтаъмирлаш» очик акциядорлик жамияти йиғилиш тури — акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши. Умумий йиғилиш ўтказилган вақт — 2003 йил 25 март. Умумий йиғилишда қатнашган акциялар сони — 98875 дона. Қворум — 92,6%.

№/Т/р	Кун тартибдаги масалалар	Тарафдорлар	Қаршилар	Бетарафлар
1.	Кузатув кенгашининг ўз фаолияти ва ишончли бошқарувининг фаолияти тўғрисида ҳисобот	100	—	—
2.	Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш а) Кузатув кенгаши раислигига Ғаниев Ражаб Халилович, ишдан ажралган ҳолда қасаба уюмаси раиси	99,96	—	0,04
	Аъзоларига: Халилов Найм, етакчи муҳандис, нафақада	99,96	—	0,04
	Ибрагимов Нейматилло, етакчи муҳандис, нафақада	99,96	—	0,04
	Исмаилова Роза, иқтисодчи, УПТ/ОиК, Корвулбозор	99,96	0,04	—
	Холов Улғабек, ҳуқуқшунос	99,96	0,04	—
	Эрназаров Шухрат, ЕММ ва МТЗ, меъерлаш бўйича етакчи муҳандис, «Нефгазмеъёр» ОАЖ	99,96	0,04	—
	Қамолов Фарид Жамолович «Ўзгеофtegaзқазиччиқариш» АК, ишончли бошқарувчи	100	—	—
3.	Ижроия органининг 2002 йил фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботи	99,96	—	0,04
4.	Жамиятнинг 2002 йил молия ҳўжалиги яқуни бўйича аудиторлик текширув хулосасини тасдиқлаш, олинган фойдани тақсимлаш ва дивиденд тўлаш	100	—	—
5.	2003 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш	99,96	—	0,04
6.	Жамият раиси билан тузилган ишга ёллаш шартномасини 2003 йилга узайтириш	100	—	—
7.	2003 йил учун аудиторини тасдиқлаш, номзод — Р Саидов	100	—	—

«Lok Kolor Sintez» корхонасидан янгилик

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИ ОҚИЛОНА ИШЛАТИНГ! БИНОЛАРНИНГ ОЛД ТОМОНИ УЧУН СУВ БИЛАН АРАЛАШТИРИЛАДИГАН АЖОЙИБ МАТЕРИАЛЛАР КОМПЛЕКСИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

«ПЕНЕТОН»
шимдирғичи силикатли пойдеворлар тешиқчаларига чуқур кириб бориб, уларнинг уст қатламини пишми ва мустаҳкам қилади ҳамда сувни ўзига тортишини камайтиради.

«БИНОГРУНТ»
грунтовкаси бўёқнинг бетонга бўлган адгезиясини яхшилади ва бўёқнинг сарфланишини камайтиради.

Манзил: Тошкент шаҳри, «Фаргона йўли» кўчаси, 13/22.
Телефонлар: (998 71) 191-47-41, 191-80-94, факс: (998 71) 191-74-63.
E-mail: lokcolor @ onlaine.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-ХОНА

«ХАЛҚ СЎЗИ»
роализует со склада в Ташкенте

СМАЗКИ (пр-ва России)
• Литол-24 • Фиол-1 • Циатим-201
• Литол-24 РК • Фиол-2 • Смазка 1-13
• Солидол Ж • ИП-1 л/з • Смазка жир.
• Прессолидол Ж • ЛЗ-ЦНИИ • Технологич.СВ-1
• Графит. термост. «ГТШ»
• Графит. электропр. ж/д. «КЖ»
• Графит. для горяч. пр. «ТСГ-7»
Упаковка: в метал. барабанх по 25 л.

АВТОШИНАҲИ
(пр-ва Нижнекамскшина)
• 260 X 508R (к-т) грузов.
• 7,5 X 20 (шт.) С/х шины

АККУМУЛЯТОРЫ
(пр-ва СП «Осий-Батарея») 12v (36, 60, 72, 90, 106, по цене завода изготовителя 132, 150, 190, 200)

Форма оплаты любая. Принимаем заявки.
Т.: 133-56-11, 133-55-61. Ф.: 133-89-09, 133-89-15.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси, Тошкент вилояти назорат-тафтиш ва молия бошқармалари жамоваси вилоят назорат-тафтиш бошқармаси бош назоратчи-тафтишчиси

Амангелдин ИСМАТУЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзгеофtegaзқазиччиқариш» акциядорлик компанияси жамоваси муҳаббат муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўлими бошлиғи Мухторбек Абдуқадимов отаси

Исломжон ота АБДУҚАЮМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекгазроэнергоқурилиш» трестини жамоваси Толлимаржон ГРЭСни қурилиш бошқармасининг бошлиғи Абдурауф Бозоровга қизи

ЗУХРАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти жамоваси катта илмий ходим, биология фанлари номзоди Маҳмурад Мансуржамовга вилоят

ЗАМИРА онанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Қарши муҳанаслик-иқтисодиёт институти жамоваси агромуҳандислик факультети лекани Саттор Алиқудовга таъзия бузувувчи

Рамазон ота АЛИҚУЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодий тиббиёт институти ректорати, «Тиббиёт биологияси ва генетика» кафедрасининг жамоваси кафедра мудирин, тиббиёт фанлари доктори, профессор П.И.Тошхўжлега вилоятдан муҳтарамаси

МОҲИРА онанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат аграр университети жамоваси «Хусусий зоотехния» кафедраси доценти Баймурот Носировга турмуш уртоғи

Халиба НОСИРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир уринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Мухиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қашбергенов (бош муҳаррир уринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва миттақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 334, 30179 нуқсала босилди,
ҳўжми — 2 тираж; Обьект ҳуқуқда босилган.
Қотти бичимчи А — 2

Газета ИВМ компьютеризда терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланган.

Таҳриратда ҳўжми 5 қотилдан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
□-Тижорат материалли

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6